

МУХТАРОВ Бекзодбек

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги
Малака ошириш маркази кафедра мудири, PhDҚОДИРИЯ ТАРИҚАТИНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТАРИҚАТ
ПЕШВОЛАРИРАСПРОСТРАНЕНИЕ ТАРИКАТА
КАДИРИЯ И ЕГО ЛИДЕРОВDISTRIBUTION OF THE QADIRIA
TARIQATE AND ITS LEADERS

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунга глобал миқёсда фаолият олиб бораётган тариқатлардан бири – Қодирия тариқатининг тарқалиш тарихи, ҳудудлари ва замонавий кўринишлари таҳлил этилган. Шунингдек, тариқат силсиласида муносиб ўринга эга бўлган шайхлар ва уларнинг минтақавий фаолиятлари очиб берилган. Тариқат асосчиси ҳисобланган Абдулқодир Жилоний ва унинг устозлари ҳамда бугунги кунга қадар шаклланган тариқат пирлари силсиласидан намуналар келтирилган.

Калим сўзлар. Тасаввуф, тариқат, Қодирия, сулук, пир, устоз, етакчи, минтақа, силсила, шаҳобча.

Аннотация. В этой статье анализируется история распространения, регионы и современные аспекты тариката Кадирия, одним из тарикатов, действующих сегодня в глобальном масштабе. Также раскрываются шейхи, занимающие достойное место в цепи тариката и их региональная деятельность. Представлены Абдулкадир Джилани, считающийся основателем ордена, и его учителя, а также примеры из ряда пиров ордена, сложившихся до сегодняшнего дня.

Ключевые слова. Суфизм, тарикат, кадирия, пиявка, пир, учитель, лидер, область, силсила, шахабча.

Annotation. This article analyzes the distribution history, regions and modern aspects of Qadiriya sect, one of the sects operating on a global scale today. Also, the shaykhs who have a worthy place in the chain of tariqat and their regional activities are revealed. Abdulkadir Jilani, who is considered the founder of the order, and his teachers, as well as examples from the

series of pirs of the order that have been formed until today, are presented.

Keywords. Sufism, tariqa (order), Qadiriya, leech, pir, teacher, leader, region, silsila, shahabcha.

КИРИШ

Қодирия тариқати XIII асрнинг охирларига келиб бутун бир тариқат шаклига келди. Тариқатининг методлари асосан унинг вафотидан сўнг шогирдлари томонидан тизимга солиниб, ёзма ҳолга келтирилган. Лекин унинг асарлари тариқат таълимотининг асоси бўлиб хизмат қилди. Абдулқодир Жилонийнинг ўзи суфий бўлишига қарамай, унинг бир қатор ишлаб чиққан қоидалари тасаввуфнинг ривожига ҳисса қўшган. Тариқат ўн икки асосий тариқатлар қаторига киритилади [6:104]. Қодирия тариқати суннийлик нуқтаи назаридан Боязид Бистомий (ваф. 910 й.)нинг “сахв” ҳолатига таянади. Қодирия мусулмон оламида энг кўп тарқалган тариқатлардан бири ҳисобланади.

XIII асрда қодирия тариқатининг фаолияти Бағдоддаги мадраса ва работлар доирасидагина бўлган (1134 йилда қурилган мадраса ва работ, кейинроқ Абдулқодир Жилонийнинг мақбараси олдида қурилган масжид). Тасаввуфшунос олим Дж.Тримингэмнинг қайд этишича, Абдулқодир Жилоний юқори макомларга эришган бўлишига қарамай, унинг ҳаётлиги вақтида қодирия тариқати у қадар оммалашиб кетмаган. Дамашқда XV аср бошларидагина қодирия хонақоҳи қурилган бўлиб, Мисрда эса мутлақо машҳур бўлмаган. Ҳиндистонда ҳам бугунги кунгача кўзга кўринган тариқатлар сирасига кирмаганини кўришимиз мумкин [5:32]. Қодирия гарчи оммалашиб кетмаган бўлсада, мусулмон оламида катта ҳурмат билан тилга олинган тариқатларидан бири бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кейинчалик ушбу тариқат бутун мусулмон оламида кенг тарқалди. 1300 йилга келиб Ироқ ва Сурияда, XIV асрда Яманда, XV асрда Ливан, Фаластин, Миср ва Ҳижозда, XVI асрда Тунис, Жазоир ва Марокашда зовия ва работлар ўз фаолиятларини олиб бордилар. Шу асрда

тариқат аъзолари Судан, Сенегал, Гвинея, Нигер ва Мавританияга кириб бордилар. Туркиядаги кодирия шаҳобчасини эса Исмоил Румий (ваф. 1631й ёки 1643й.) номи билан боғлайдилар. Туркиядаги ушбу шаҳобча жуда машҳур бўлган (XIX асрнинг охирида Истамбулда 33 та такия фаолият олиб борган). XVI асрда кодирия тариқати Афғонистон ва Ҳиндистонга (Синд ва Декан) кириб келди, Ямандан Индонезия (XVIII асрда) ва Малакка ярим оролига етиб келди. Қодириянинг илдизлари Эронга бориб тақалсада, унинг Курдистондаги уч тармоғи ҳозирги кунгача фаолият олиб бормокда. Тариқат қатор давлатларда муҳим сиёсий аҳамиятга эга: XIX асрда тариқат аъзолари қўлларида курул билан мустамлакачиларга қарши чиқишган, Жазоирда Шайх Абдулқодир шу асрда французларга қарши чиқишга бошчилик қилди. Ҳозирги кунда кодирия тариқати Фарбий Африкада жиддий сиёсий ва диний кучга эга. Алжирда кодирия гуруҳлари 1950 йилгача, Фаластинда эса 1970 йилгача фаолият олиб борган [5:126].

Тариқатнинг силсиласи Али ибн Аби Толиб (р.а.)га ёки Абу Бакр (р.а.)га бориб тақалади. “Миръатул Замон” (“Замон кўзгуси”) китобида кодирия тариқати силсиласи ҳақида шундай айтилади: “Шайх Абдулқодир Жилоний тариқат хирқасини Абу Саъид Маҳзумийдан, у шайх Али ибн Муҳаммад ал Қурайшийдан, у шайх Абул Фараҳ Туртусийдан, у шайх Абул Фазл Абдулвоҳид Тамимийдан, у отаси шайх Абдулазиздан, у Абу Бакр Шиблийдан, у Жунайд Бағдодийдан, у тоғаси Сири Сақатийдан, у Маъруф Карҳийдан, у Довуд ат Тоййибдан, у Ҳабиб ал Ажамийдан, у Ҳасан Басрийдан ва у киши Ҳазрат Али розияллоху анҳудан олган” [1:60].

Бу ҳақида кодирия тариқати пир (устоз) ларидан бири Ҳазрати Фулом Али Шох “Изоҳ ат-Тариқат” асарида ҳам айтиб ўтилган. Бу асар Тошкент ислом университети Манбалар хазинасида № 209 рақам остида сақланади. “Изоҳ ат-тариқат” асари қўлёзманинг 1776 - 197а саҳифаларига, яъни 20 вараққа ёзилган. Асар форс тилида битилган.

Асар муаллифи Ҳазрати Фулом Али Шох кодирия тариқати силсиласининг бир манбада келган икки силсиланинг биринчисидан 33

(ўттиз учинчи), иккинчи силсила бўйича эса 29 (йигирма тўққизинчи) пирлари (тариқат устозлари) ҳисобланади [7]. Унинг XVIII асрда яшаганлиги ҳақида айрим манбаларда қайд этилган. Лекин иккала силсилада ҳам у кишидан сўнг Ҳазрати Абу Саъид ва Ҳазрати Шох Абдулғоний Аҳмад силсилани давомчилари сифатида зикр қилинган. Шунингдек, Ҳазрати Фулом Али шохнинг устозлари, яъни тариқат пирлари Ҳазрати Мирзо Жонижонон, у кишининг пирлари Ҳазрати Шайх Муҳаммад Обид эканлиги ва ўзи эса тариқат силсиласини устози Ҳазрати Абдулаҳад олганлигини айтиб ўтади [8: 1776-178а]. Ушбу асарда тариқат пирлари (етакчилари) бирма-бир келтириб ўтилган ҳамда бу силсила “Ғавсус сақолайн” номи ила машҳур Жилонийга етиб боради ва кодирия тариқати у кишига нисбат берилган. Шунингдек, икки силсиланинг бири Абу Бакр (р.а.)га ва бошқаси Али (р.а.)га қадар етиб борган. Биз қуйида силсиланинг Али (р.а.) орқали Муҳаммад (а.с.)га етиб борган шажарасини келтириб ўтаміз:

- Ҳазрати Муҳаммад (а.с.)
- Ҳазрати Али ибн Абу Толиб (р.а.)
- Ҳазрати Имом Ҳусайн (р.а.)
- Ҳазрати Зайнул Обидийн (р.х.)
- Ҳазрати Муҳаммад Боқир (р.х.)
- Ҳазрати Имом Жаъфар Содик (р.х.)
- 1. Ҳазрати Имом Мусо Козим (р.х.)
- 2. Имом Али Мусо Ризо (р.х.)
- Ҳожа Маъруф Карҳий (р.х.)
- 1. Ҳазрати Сирри Сақатий (р.х.)
- 2. Ҳазрати Жунайд Бағдодий (р.х.)
- 3. Ҳазрати Абу Бакр Шиблий (р.х.)
- 4. Ҳазрати Абдулазиз Тамимий (р.х.)
- 5. Абдулвахҳоб ибн Абдулазиз (р.х.)
- 6. Абулфараҳ Тартусий (р.х.)
- 7. Абул Ҳасан Али Ҳангомий (р.х.)
- 8. Абу Саъид Маҳзуфий (р.х.)
- 9. Ҳазрати Ғавсус Сақолайн (р.х.)
- 10. Ҳазрати Шамсиддин Али Ал-Ҳаддод (р.х.)
- 11. Ҳазрати Шайх Шамсиддин (р.х.)
- 12. Ҳазрати Муҳаммад Қутбиддийн Абул Ҳайс (р.х.)
- 13. Абул Макорим Фозилий (р.х.)
- 14. Ҳазрати Убайд Фозил (р.х.)

15. Ҳазрати Муҳаммад ибн Исо (р.х.)
16. Маҳдум Жаҳониён Жаҳонгашт (р.х.)
17. Саййид Аҳмад Баҳрулҳай (р.х.)
18. Саййид Бедехон Баҳрулҳай (р.х.)
19. Дарвеш Муҳаммад ибн Қосим Удҳий (р.х.)
20. Абдулқуддус Кангуҳий (р.х.)
21. Шайх Рукниддин Кангуҳий (р.х.)
22. Ҳазрати Маҳдум Абдулаҳад (р.х.)
23. Ҳазрати Шайх Аҳмад Форук Сарҳандий Мужаддид Алфисоний (р.х.)
24. Ҳазрати Маъсум Муҳаммад (р.х.)
25. Ҳожа Муҳаммад Нақшбанд Соний (р.х.)
26. Ҳожа Муҳаммад Зубайр (р.х.)
27. Ҳожа Шоҳ Кутбиддин (р.х.)
28. Саййид шоҳ Жамолуллоҳ (р.х.)
29. Ҳазрати Шоҳ Даргоҳий (р.х.)
30. Ҳазрати Мавлоно Абу Саъид (р.х.)
31. Ҳазрати Шоҳ Абдулғоний Аҳмадий (р.х.)

Шунингдек, тариқатнинг бошқа силсилалари ҳам мавжуд бўлиб, ҳар бир тариқат пешвоси ўз силсиласига эга бўлган. Улар орасидаги асосий фарқ Абдулқодир Жилонийдан кейинги силсила тартибида кўзга ташланади. Айрим тариқат силсилалари бири-бирига ўхшаш бўлиб, бунга бир шайхнинг иккита, учта, тўртта ёки ундан ортиқ тариқатлардан иршод қилишга ижозат олгани ва ҳар бир тариқатда ўз муридларини тарбиялаб боргани сабаб бўлган. Бунга қодирия ва нақшбандия силсиласининг ўхшашлиги мисол бўлади.

Абдулқодир Жилонийнинг устози ва пири Шайх Абу Саййид Муборак ибн Али ибн Ҳасан Бағдодий Маҳзумий (р.а) қодирия тариқати силсиласининг ўн олтинчи (айрим манбаларда ўн бешинчи) вакили Бағдодда туғилган. У киши тариқат хирқасини устози Шайх Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Ҳокаридан, у киши эса Абулфазл Абдулвоҳид бин Абдулазиздан олган [11]. Шайх Абу Саййид Муборак ибн Али ибн Ҳасан Бағдодий Маҳзумийнинг мазҳаблари ханбалӣ бўлиб, ўз даврининг фақиҳ имоми бўлган. Бағдоддаги “Баб ул-Азж” мадрасасига асос солган. Шу ерда ҳазрат Ғавсул Аъзамга дарс берган. Устози вафотидан сўнг Жилоний

шу мадрасада талабаларга дарс бериб, унинг йўлини давом эттиради. Ал-Маҳзумий бу ҳақда шундай дейдилар: “Шайх Абдулқодир Жилоний тариқат хирқасини мендан олдилар ва мен ҳам унинг илмидан баҳраманд бўлдим. Биргаликда бошқаларнинг розилигига сазовор бўлдик”.

Маҳзумий 513 хижрий шаъбон ойининг еттинчи санаси, душанба куни Бағдодда вафот этган. (Баъзи олимлар у кишининг вафоти шаъбон ойининг тўртинчиси ёки йигирма еттинчиси ва муҳаррам ойининг ўнинчисида (10)деганлар. Унинг қабри “Баб ул-Азж” мадрасасида жойлашган [11].

Тариқатнинг яна бир вакилларида бири Саййид Муҳаммад Навшоҳ Ганж Баҳш Қодирӣ (1552-1654) қодирия тариқатининг навшоҳия (бу шаҳобча унинг номи билан аталади) шаҳобчаси асосчиси, Жанубий Осиёдаги ислом уламоларидан бири. У 1552 йил (959 х, рамазон ойининг 1 куни) 21 августда Покистоннинг Панжоб вилояти Гужарот тумани, Гонгавали қишлоғида туғилган ва ўз даврининг буюк суфийси сифатида ҳурмат қозонган. У ҳаёти давомида етти марта пиёда Макка ва Мадина шаҳарларига бориб, ҳаж амалларини адо этган. У ҳожи Муҳаммад, ҳожи Навшоҳ, Абул Ҳошим, Бура Вала Пир, Мужаддид ал-ислом, Навшоҳ Ганж Баҳш, Саййид Навшоҳ Пир ва Навшоҳ Пак каби номлар билан танилган.

Покистон ҳудудига бу тариқатнинг кириб келиши Қутб шоҳ Қодирӣ номи билан танилган Саййид Авн ибн Яъла (1028-1157) билан боғлиқ бўлиб, у тариқат асосчиси Абдулқодир Жилонийнинг тоғаси бўлган. Жилоний тавсияси билан ҳинд ўлкаларага сафар қилади. У саёҳати давомида Ражпут, Чоҳан ва Кокар каби шаҳарларда бўлиб, инсонларга ислом таълимотидан дарс беради. Кейин ортига қайтиб, 1157 йилда Бағдодда вафот этади. Унинг ўғли Саййид Замон Али Муҳсин ҳам отаси изидан бориб, Покистоннинг жануби-ғарбий ҳудудлари бўйлаб ислом динини ёйди. Кўплаб инсонлар унга эргашиб, ислом динини қабул қиладилар ва унинг муридлар халқасига қўшиладилар. Саййид Замон Покистоннинг

Саргодҳа туманидаги, Кирана шаҳарчасига жойлашади.

Силсиланинг вакилларида яна бири Саййид Маҳмуд Шох бўлиб, у саховатпеша ва инсонларга меҳрибонлиги сабаб “Пири Жолиб” (“Етказиб берувчи пир”) номи билан машҳур бўлган. У ҳам Саргодҳа туманидаги, Рамдианада ўз фаолиятини олиб борган. Саййид Шамсиддин Шохид Пири Жолибнинг машҳур давомчиси ҳисобланади. Унинг икки ўғли Оловуддин Ҳусайн ва Раҳимуддин оталарининг ишини давом эттириб, Покистоннинг Гужарот туманида Қодиробод яқинидаги Гонганвалида фаолият олиб борадилар. Саййид Оловуддин тариқатнинг вакилларида бири бўлиб, у шариат илмларини пухта эгаллаган. Абу Исмоил ва Пири Ғозий кунясини олган [10]. У Муҳаммад Қодирийнинг отаси ҳисобланади. Муҳаммад Қодирийнинг оилавий силсиласи Али (р.а.) орқали Муҳаммад (а.с.)га етиб боради.

Саййид Муҳаммад Қодирий шариат илмларини пухта билган. Қуръон ва ҳадис илмларини устозлари Қори Қайимуддин ва Шайх Абдулҳақдан ўрганган. У ёшлигидан тасаввуф аҳлларига ҳурматда бўлган. Бунга у яшаган оилавий муҳит ҳам сабаб бўлган. Бундан ташқари у тафсир, ақоид, мантиқ ва фалсафа каби илмларни ҳам эгаллаган. У араб, форс, санскрит, кашмир ва бошқа тиллардан хабардор бўлган. У йигирма тўққиз ёшида тариқат силсиласини устози Шох Сулаймон Нурийдан олади. У киши ҳам ўз тариқат силсиласига эга.

Ҳожи Муҳаммад Саййид Абу Наср Муҳаммад Шохнинг кизига уйланади ва икки ўғил ва бир кизнинг отаси бўлади. Уларнинг исмлари Саййид Муҳаммад Барҳурдар, Саййид Муҳаммад Ҳошим ва Саййид Сайроҳ Хотун. Аллома Жамолиддиннинг таъкидлашича, Муҳаммад Қодирий Саййид Навшоҳ масжидида ўз шогирдларига дарс берган. Муридларни байъат орқали қабул қилган. Ҳожи Муҳаммад кўп вақтини масжидда қуръондан дарс бериш, кундузлари фарз намозлари ва кечалари нафл намозларини ўқиш билан ўтказди. У ҳаёти давомида суннатга амал қилишга ҳаракат қилади. Бу ҳақида у шундай дейди:

“Менинг ҳаёт йўлим Пайғамбаримизнинг шариатига асосланган. Менинг тариқатим ҳам пайғамбаримизнинг шариатига мосдир. Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳаёт йўли менинг ҳаёт йўлимни белгилаган. Кимда ким шариат йўлида юрадиган бўлса, суннат унинг йўлини ёритади”.

Унинг асарлари беш китобга жамланган. Улар:

Куллийёт-и-Наушаҳ. 76 рисола ва 2400 мисрадан иборат. (урду тилида)

Куллийёт-и-Наушаҳ. 126 рисола ва мингга яқин мисрадан иборат. (панжоб тилида)

Маъариф ат-тасаввуф. (форс тилида)

Маваъиз ан-Наушаҳ. Маъруза ва панд-насихатлар мажмуи (панжоб тилида)

Ганж ал-асрор. Кичик рисола.

У 1654 йил (1064 х. Робиъул аввал ойининг 15 санаси) 18 майда Гужаротдаги Наушеҳра қишлоғида вафот этади.

Ўғилларидан бири унинг йўлини давом эттиради. У асос солган Қодирия-Навшоҳия йўли яна бир неча шаҳобчаларга бўлиниб кетди. Улар барҳурдария-навшоҳия, ҳошимия-навшоҳия, сучярия-навшоҳия қабилар. Ҳозирда бу шаҳобча ўз ғояларини интернет тизими орқали фаол амалга ошироқда. Уларнинг интернет тармоғида

<http://www.qadri-naushahi.com/>;

<http://www.naushahi.co.uk/Generations/> каби сайтлари мавжуд.

Уларда:

Асосий меню;

Меҳмонларни рўйхатдан ўтказиш;

Пир Соҳиб;

Ислом манбалари;

Навшоҳий сулоласи;

Видео кутубхона;

Расмли кутубхона;

Аудио кутубхона;

Қўшимча маълумотлар каби бўлимлар киритилган.

ХУЛОСА

Абдулқодир Жийлоний қодирия тариқатига оид муайян тартиб-қоидалар ишлаб чиққани ҳақида етарли маълумотлар йўқ. Қодирия тариқатининг методлари асосан унинг вафотидан сўнг XIII асрларга келиб шогирдлари

томонидан тизимга солиниб, ёзма ҳолга келтирилган.

Қодирия тариқатининг ашрафия, холисия, ғарибия, румия, ҳилолия, ёфиъия, исавия, асадия, акбария каби шаҳобчалари мавжуд.

Бу тариқат Қодирийнинг фарзандлари ва шогирдлари воситасида дунёнинг кўп ерларида тарқалган. Хусусан, Миср, Шимолий Африка, Ироқ, Яман, Сурия, Туркия, Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда ҳудудларида кенг тарқалган. Шу билан бирга, бутун дунёда мавжуд қодирия тариқати вакиллари фаолиятларида ўзига хос хусусиятлар юзага келиб, бу нарса уларнинг тарқалиш ҳудудлари хилма-хиллиги, амалиёти, кийимлари, зикр амалиётини бажаришдаги ўзига хос жиҳатлари, силсила ва шажаралари, ўзлари фаолият олиб бораётган ҳудуддаги мавқеи, кўлами ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади. Улар шу жиҳатларга кўра бир-бирлари билан ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Глобаллашув жараёнида Қодирия тариқати фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари / Б.М.Мухтаров. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 148 б.
2. Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва ҳулосалар. / Масъул муҳаррир: И. Усмонов; Тошкент ислом университети, Исломунослик илмий-тадқиқот маркази. – Т.: Мовароуннахр, 2014. – 368 б.
3. Knut S. Vikor. Sufi Brotherhoods in Africa. // The History of islam in Africa. Levtzion & Poulwels. – Athens.: Ohio University Press, 2012. – 60 б.
4. Martin van Bruinessen. Shaykh `Abd al-Qadir al-Jilani and the Qadiriyya in Indonesia. // Journal of the History of Sufism, vol. 1-2 (2000), 361-395.
5. Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 32.
6. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б.104.
7. Жомеъ ат-Турук (Тариқатлар мажмуаси). Қозон. Каримовлар нашриёти, 1901. Тошбосма. ТИУ Манбалар хазинаси. Тошбосма рақами: № 67. – 1 в.
8. Ғулом Али Шох. Изоҳ ат-Тариқат асари. Қўлёзма. ТИУ. Манбалар хазинаси. Қўлёзма рақами: №. 209. – Б. 1776-178а.
9. Шайх Саййид Абдулқодир Гилоний. Сиррул асрор ва Мактубот. / Таржимон, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи: Отабек Жўрабоев. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – 228 б.
10. http://www.qadri-naushahi.com/Resource/Nausha_Peer_RA.htm
11. http://www.aulia-e-hind.com/dargah/Intl/peer_of_gauspak.html